



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Наманган ХЭТК» АЖ
бош директор

 Ж.Халилов

«22» 06 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

«Наманган ХЭТК» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПК-5048 сонли қарорига асосан Наманган вилояти Қосонсой туманида ташкил этилаётган «Қушон» кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун 110/10 кВли қуввати 40 000 кВа қуч трансформатор булган 1 комплект ТРДН-40 000/110/У1 русумли қуч трансформаторини яроклилик муддати 5 йил булиши керак, Реле шкафлари комплект булиши керак, комплектация ЗИБ тулик булиши керак, Урта осие килиметига мос ишлаб чиқарилган булиши керак, қуч трансформатор ВВОДлари герметичний булиши керак, янги қуч трансформатор билан таъминланиши керак Наманган вилоят худудларидаги подстанцияларга етказиб берувчи корхонани саралаш буйинча

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

«Наманган ХЭТК» АЖ -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-таъминларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2021 йилдаги ПК-5048 сонли қарорига асосан Наманган вилояти Қосонсой туманида ташкил этилаётган “Қушон” кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун 110/10 кВли қуввати 40 000 кВа куч трансформатор булган 1 комплект ТРДН-40 000/110/У1 русумли куч трансформаторини яроқлилик муддати 5 йил булиши керак, Реле шкафлари комплект булиши керак, комплеиқтация ЗИБ тулик булиши керак, Урта осие климнтига мос ишлаб чиқарилган булиши керак, куч трансформатор ВВОДлари герметичний булиши керак, янги куч трансформатор билан таъминланиши керак Наманган вилоят худудларидаги подстанцияларга етказиб берувчи корхонани саралаш бўйича

1.2. Танлов охири қиймати – жами кўрсатилган хизмат учун 40 000 кВа куч трансформатор булган 1 комплект ТРДН-40 000/110/У1 русумли куч трансформаторини Наманган вилояти Қосонсой туманида ташкил этилаётган “Қушон” кичик саноат зоналарини электр таъминоти учун 110/10 кВли қуввати 40 000 кВа куч трансформаторни “Қушон” КСЗга етказиб бериш хизмати билан 1 комплект куч трансформаторини 5 551 212 500 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чикқан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Наманган ХЭТК” АЖ, (буидан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” маъзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Марғилон кучаси 8-уй.

Эл.адрес: МТТБ Umal@uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Наманган ХЭТК” АЖ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (қизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳаққидорлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришга лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларининг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнақилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камда ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузишга танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2)
2. Танлов иштирокчиси туғрисида умумий маълумот (ф-3).
3. Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.
5. Мольивий кўрсаткичлари.
6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси туғрисида маълумот.
7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари туғрисида маълумот (5-10 йиллик стижлар ижобий қаралади)
8. Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар нархи система томонидан)

ИШТИРОКЧИ МАХСУС БЛАНКАСИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси раисига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу оркали шуни маълум киламизки, _____ (корона номи)

- Тугатини, қайта ташкил этиш ёки банкротлик ёқасида эмаслиги;
- Суд ёки арбитраж муҳокамалари ҳолатида эмаслиги;
- Муқаддам тузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
- «Инсоффиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги;
- Иш хақи, солиқ ва бошқа давлат мажбурий туловларидан муддати утган қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбар: _____ (ф.и.о)

Бош хисобчи _____ (ф.и.о)

Ҳуқуқшунос _____ (ф.и.о)

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жihatдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

Танлов таклифларини ҳамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш
КРИТЕРИЙЛАРИ

№	Критерийларноми, мазмуни	Форма	Энгюкорн балл	% хисобид
1.	Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)	Форма №2	3	90%
2.	Танлов иштирокчисен тугрисида умумий маълумот (форма №3)	Форма №3	3	
3.	Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари		4	
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситадар мавжудлиги тугрисида маълумот.		20	
5.	Модиявий курсаткичлари.		10	
6.	Охириги 1 йил давомиди шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилган иш тажрибаси.		10	
7.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи		10	
8.	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)			10 %